



Received: August 31, 2021  
Accepted: September 23, 2021  
Available online: September 25, 2021

## **Ровияжон Абдуллаева**

Турон Фанлар академиясининг фахрий академиги,  
филология фанлари доктори  
Тошкент, Ўзбекистон

### **ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

#### **АННОТАЦИЯ**

Таржима бадий ижоднинг бир тури. Таржима – қадимий санъат, унинг тарихи узок, илдизи қадимги Антик даврлар билан туташади. Бадий таржима – халқлар адабиёти орасига қурилган қўприқдир.

Таржима ва таржимашунослик масалалари узок йиллар адабиётшунослик фани таркибида қузатилиб келинган. Ўзбекистонда бадий таржима филологик фан сифатида ўтган асрнинг 50-60 йилларида шакллана борди. Ф.Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти (ЎзДЖТУ) ва университетларнинг хорижий филология факультетларининг ўқув программасига алоҳида предмет бўлиб киритилди.

70-йилларда Ўзбекистон ФАсининг Тил ва адабиёт институтида Таржима назарияси сектори ва Тошкент давлат университетида (ЎЗМУ) Таржима назарияси кафедралари ташкил этилди. Бу йилларни ўзбек таржимачилиги ва таржимашунослигининг гуллаган даври дейиш мумкин. Ғарбий Европа адабиёти намуналаридан воситали ва бевосита равишда бир қанча бадий асарлар ўзбек тилига ўгирилиб, миллий адабиётимиз фондини бойитди. Бунинг таъсирида илмда таржимашунослик йўналиши шаклланиб, диссертация, монография, илмий тадқиқотлар юзага келди. Таржима оламида қайноқ ҳаёт бошланди. Шу соҳанинг етук олимлари, компетенцияси шаклланган профессионал таржимонлар плеядаси пайдо бўлди. Аммо бугунги илмий қузатувлар Мустақиллик йилларида бу саъй-

## **Roviyajon Abdullaeva**

Honorary Academician of the Turan  
Academy of Sciences,  
Doctor of Philological Sciences (DSc)  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: roviyajon47@mail.ru

### **TRANSLATION PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS**

#### **ANNOTATION**

Translation is a form of artistic creation. Translation is an ancient art, its history is long, its roots go back to antiquity. Literary translation is a bridge between national literatures.

Translation and translation studies have been considered for many years as a part of literary science. In Uzbekistan, literary translation as a philological science was formed in the 50-60s of the last century. It was included in the curriculum of Tashkent State Pedagogical Institute of Foreign Languages named after F.Engels (UzSWLU) and foreign philological faculties of universities as a separate subject.

In the 70s, a department of translation theory was created at the Institute of Language and Literature of the Academy of Sciences of Uzbekistan, and a department of translation theory at Tashkent State University (NUU). These years can be called the heyday of Uzbek translation and translation studies. A number of works of Western European literature have been directly or indirectly translated into the Uzbek language, which replenished the fund of our national literature. Under the influence of this, the direction of translation research was formed in science, dissertations, monographs, scientific researches appeared. A hot life began in the world of translation. A galaxy of mature scholars and competent professional translators in this field have emerged. However, today's scientific observations show that these efforts have slowed somewhat over the years of independence.

In the literary process, there is a gap in scientific

ҳаракатларнинг биров сусайганидан далолат бермоқда.

Адабий жараёнда, илмий жамоатчилик орасида адабий алоқанинг асосий омили бўлган бадиий таржима ва таржимашунослик илмий йўналиши оқсатгани (асосан немис бадиий адабиёти намуналари мисолида), асл таржималар қузатилмаётгани, етук маҳоратли таржимонлар етишмаётгани, шунингдек модерн адабиёт ҳақида ҳам турли мазмунда хабарлар, илмий ахборотлар берилмоқда, танқидий фикрлар билдирилмоқда. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб фан сифатида шаклланган, аср охириларида қаддини ростлаган ўзбек таржимашунослиги йўналиши қайси сабабларга кўра бугун оқсаяпти? Илмнинг бу тармоғи учун жон куйдирган, айтиш жоизки, умрини бағишлаган шу соҳанинг тарихи ва назариясини яратган устозлар, Жуманиёз Шарипов, Нинель Васильевна Владимирова, Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Қудрат Мусаев, Комилжон Жўраев, Муҳаммаджон Холбеков сингари ўз касбининг усталари бўлмиш филология фанлари докторлари, профессорларининг шогирдлари, издошлари қаерда? Шарқда қадри баланд қадрият ҳисобланган устоз шогирдлик қадриятининг қадри қаерда қолди? Ушбу муаммоларни қандай йўллар билан ечиш мумкин? Мазкур илмий мақолада ўша саволларга жавоб изланади, имкон қадар ечишга ҳаракат қилинади.

**Калит сўзлар:** тил билгич ва рух билгич, миссия, матн руҳи, шоирона қалб, анъанавий шеърят, модерн поэзия, феномен, компетенция, адабий оқим.

## КИРИШ

Миллий адабиёт шу миллатга мансуб шоирлар, носирлар, драматурглар томонидан юзага келса, жаҳон адабиётини таржимонлар бунёдга келтирадилар, деган гап бор. Бинобарин, маҳоратли таржимонлар адиблардан ҳам баландда турадилар. Зеро, “икки дунё юки”ни (М. Исмоилий) елкасида кўтариб юрган битта шахсда иккита жон, рух талашади. Ёзувчи ва шоирлар эса ғоя туғилдими, иқтидорини ишга солиб, мавзу юзасидан от ўйнатадилар. Таржимонлар кўзга кўринмайдилар, орқа фронтда хизмат қиладилар. Таржимонларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар доим аслият муаллифи кўрсатган рамка ичида туришга бурчли. Улар эркин қалам тебратмайдилар, ишлари тугагунча аслият муаллифи

lines of literary translation and translation studies, which is the main factor in literary communication between scientific communities, original translations are not respected, there are not enough qualified translators, as well as modern literature. What are the reasons for problems of Uzbek translation studies, especially into German and from German, which formed as a science in the middle of the last century and revived at the end of the century? Philology masters such as Jumaniyaz Sharipov, Ninel Vladimirova, Gaybulla Salomov, Nadzhmiddin Kamilov, Kudrat Musaev, Komiljon Juraev, Mukhammadzhon Holbekov, who dedicated their lives to this branch of science and created the history and theory of this area. students and followers of professors? What is the value of a teacher's apprenticeship, which is highly valued in the East? How can these problems be resolved? This scientific article attempts to answer these questions, trying to solve them as much as possible.

**Key words:** linguist and psychic, mission, spirit of the text, poetic heart, traditional poetry, modern poetry, phenomenon, competence, literary stream.

билан боғланиб, ҳисоблашиб турадилар. Етук таржимонлар қалами иштирокисиз XIII аср италян шоири Алигъери Данте (1265–1321), инглиз шоири ва драматурги Уильям Шекспир (1564–1616), Мавлона Жалолиддин Румий (1207–1273), “буюк немис” Йоханн Вольфганг Гёте (1749–1832), “немис трагедиясини яратган даҳо” Фридрих Шиллер (1759–1805), романтик шоир Хайнрих Хайне (1797–1856), рус шеърятининг ёрқин юлдузлари Александр Пушкин (1799–1837), Михаил Лермонтов (1814–1841), Сергей Есенин (1895–1925), реалист ёзувчи Федор Достоевский (1821–1881) каби буюк сўз усталари сайёрамиз миқёсида танилмаган бўлур эди. Дейлик, Александр Александрович Блок (1880–1921) ижодидан Сергей Есенин таъсирланган. У Александр Блокни ўзидан баланд шоир эканини тан олгани, ундан ўргангани, шубҳасиз. Сергей Есениннинг зебо назмидаги “гўзал изтироб”лари (Рауф Парфи) ўзбеклар орасидан “ўз одамини” топди, бироқ Александр Блок топа олмади (Рауф Парфи баъзи шеърларини ўзбекчалаштирган бўлса-да). Эркин Воҳидов Сергей Есенинни шу даражада сайратган эдики, таржима аслиятдан ҳам гўзал чиққан. Ўша кезлари ёшларнинг “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам... Ўйчан нигоҳ, кўзи зангори ўрисингни унутма зинҳор” мисраларини такрорлаб, сармаст бўлиб юрганини, эслаш кифоя.

Хўш, нима учун “манзури шаҳаншоҳи Хуросон” (Фузулий) дея улуғланган “шамс ул-миллат”имиз Алишер Навоий жаҳон миқёсида Гёте каби машҳур бўлгани йўқ? Дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида бугун Й.В. Гёте институтлари ишлаб турибди. Нега Англия, Америка, Франция, Германия каби ривожланган йирик давлатларда Алишер Навоий институтлари йўқ? Гарчи, бугун Навоий Германияда “Ҳиротнинг бахти” ёхуд “Ҳирот бошига кўнган бахт қуши” (Ҳофман) дея, сайёрамизнинг кучли шоирлари қаторида эътирофга лойиқ кўрилатган бўлса-да, бетакрор истеъдод соҳибининг назмидан жаҳон шеършунослари тўлиқ баҳраманд бўлмоқдалар, деб бўлмайди. Зеро, Ҳазрат Навоий бошқа миллатлар орасидан “ўз одамини” топа билмади. Ахир Навоий “панжасига панжа уруш”га кимнинг ҳам юраги дов берарди?! Навоийни Европа ва Уммон орти мамлакатлари адабиётсеварларига етказиш учун мутаржимга фақат тил билиш кифоя эмас, у шоир бўлиши, унга шоирона қалб ва Аллоҳ марҳамати, инояти даркор. Мабодо, Пушкин Ҳазрат Навоийни рус тилига, Гёте немис тилига таржима қилганида борми, нафақат мутафаккир бобомиз ижоди, балки бутун ўзбек назми сайёра миқёсида эътироф этилган, ўзбек деган номни, ўзбек миллатини жаҳоннинг барча адабиётсеварлари бир неча асрлар илгари таниган бўлур эдилар. Истиқлолгача ўзбек деган миллат, Ўзбекистон давлати борлигини дунёнинг кўп жойларида билмаганлар. Тан олиш керак, бугунгача бирор-бир ўзбек шоири ёки адиби Европа ёки Уммон ортида чинакамига тан олинганича йўқ. Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, ўзбек шоирларининг битиклари Ғарб тиллари қолипига доим ҳам қойилмақом тарзда тушавермайди. Абдулла Ориповдек сўз санъаткори: *Шеърларимнинг русча таржималаридан мутлақо қониқмайман. Ўша шеърлар меники эмас* [Рўзимухаммад Б., 2011], деган бўлса, ғазалхон шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам таржималардан қониқиш ҳосил қилмай: *шеърларимни ўрни-ўрнига келтириб қўйишини*, деган экан.

Шулардан хулоса чиқариб айтиш жоизки, таржимон деган калом улуг мақомда кўрсатилиши ва кўрилиши лозим. Таникли рус шоири В.Брюсовнинг айтишича, “...таълим қанча ривожланмасин, хориж тилларини ўрганиш бўйича жамият нақадар юқори кўрсаткичларга эришмасин, *таржимон меҳнатига бўлган эҳтиёж* (таъкид бизники – А. Р.) тугаб қолмайди” [Брюсов В., 1987; 99].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Бирор асар таржимасини амалга ошириш учун мутаржим ўша асарни севиши, шу асар ичига “кириб кетиши” керак. Масалан, Ф.Достоевскийга таникли мунаққид ва таржимон Иброҳим Ғафуров руҳан яқин. Бинобарин, Иброҳим Ғафуров рус даҳоси асарлари “ичида яшаган, асар қаҳрамонлари билан бирга нафас олган”. Шу боис, Ф.Достоевский бизга ўзбек тилида асар ёзгандек туюлади. Ҳатто И.Ғафуров қалами эсимиздан ҳам чиқиб кетади. Нега ўзбек даҳолари инглиз, немис, француз, испан халқлари орасидан И.Ғафуровга ўхшаган руҳбилгичларни топиши мумкин эмас? Топилади, албатта. Тинмай изланса, топилади. Бунинг учун Ёзувчилар уюмасининг мадади, ижод фондининг ёрдами керак.

Ўзбек адабиётининг дурдона асарлари, дейлик, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Ҳудойбердиева, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Дўстмуҳаммад, Олим Отахон каби шоир ва адибларнинг бетакрор асарлари, ҳанузгача Ғарб тилларига ўгирилмагани ачинарли ҳол. Бунинг сабаби – лоқайдлик. Шу адиблар асарларини, бугун инглиз, немис, француз, испан тилларига тағлама қила оладиган мутахассислар ўзимизда йўқ дейсизми, бор албатта. Улар билан шартнома тузиш, моддий жиҳатдан рағбатлантириш Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ижод” фондининг вазифасига киради.

Алишер Навоий қаламига мансуб “Лисонут-тайр” достонининг насрий баёнини Гарри Дикк (Канада) инглиз тилига ўгирган [Ўзбек шоирлари орасида Гарри Дикк Навоийнинг шоирлигини билмаган деган гаплар ҳам юради – А.Р.]. Бу жараёнда таржимашунос олим Носир Қамбарнинг хизматлари катта. Аммо бу услуб ўзбек тилини мутлақо билмайдиган хорижликларни чалғитади. Тасаввур килинг, мабода “Фауст” трагедиясининг немис тилида насрий баёни амалга оширилса ва шу матн асосида ўзбекчага ўгирилса, ўзбек ўқувчисига Гётенинг жарангдор овози етиб бормади-ку, ахир! Насрий баён таржимасидан фақат тағлама сифатида фойдаланган маъқул.

Шарқда устоз-шогирд анъанаси қадри баланд қадрият. Дунёга машҳур барча буюк олим ва ижодкорларнинг буюк устозлари бўлган. Таржимашунослар орасида таржима тарихининг отаси Жуманиёз Шарипов, таржима назариясининг отаси Ғайбулло Саломов деган гаплар юради. Бу устоз шогирдларнинг ўзбек таржимачилиги тараққиёти учун анча ишлар қилиб қўйганидан далолатдир. “Таржима санъати” мақолалар тўпламининг илк нашри 1961 йили чоп этилганди. 1973 йилдан бошлаб Ғайбулло Саломов раҳнамолигида ва шоир Тилак Жўра (тўпловчи) сайъ-ҳаракатлари билан бу тўпламнинг бешта сони нашрдан чиқди, кейин тўхтаб қолди. Таржимашунослар орасида тўпламни қайта тиклаш

истаги туғилди. Соҳа мутахассисларидан мақолалар йиғилди, Таржимашунос З.Исомиддинов бу ишга масъул қилиб тайинланди. Навбатдаги тўпламга етарли материал ҳам тайёр. Бироқ натижа кўринмайди.

“Таржима энциклопедияси”га эҳтиёж сезилаётгани Ёзувчилар уюшмасида, Таржима кенгашларининг йиллик ҳисоботларида, учрашув, илмий-амалий конференцияларда бу ҳақда мунтазам айтиб келинмоқда. Фикрлар хатланади, аммо “Таржима энциклопедияси” дан ҳамон дарак йўқ. Муаммо қаерда? Фақат оғизда айлангани билан иш битармиди?! Тўғри, бу бир кишининг иши эмас, жамоа бўлиб амалга оширадиган иш. Бунинг учун давлат комиссияси тузилиб, етук мутахассислардан иборат салмоқли “Ишчи гуруҳи” ташкил қилиниши лозим. Бу етук жамоада тилбилгичлар билан руҳбилгичлар ҳам иштирок этишлари зарур. Қолаверса, таржимонларга раҳбариятнинг мадади, рағбати керак. Буни назорат қилиш ва амалга ошириш 2003 йил январиди биринчи Президентимиз ташаббуси билан Ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил қилинган Халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлимининг иши эмасми?!

Носирлар орасида адибимиз Эркин Аъзамнинг кўпқиррали, ранг-баранг ижоди эътиборга лойиқ. Унинг ҳикоя ва қиссалари инглиз, француз, чех, белорус, украин, рус, қозоқ, тожик тилларига ўғирилган. “Забаржад”, “Дилхирож”, “Чантриморэ”, “Паризод”, “Эркак”, “Сув ёқалаб” каби фильмлари халқаро киноанжуманларда қатнашиб, дунё экранларига чиқди, совринларга эга бўлди. Адибнинг бирваракайига иккита китоби – “Эртақлар билан хайрлашув”, “Буюк осий Шайх Санъон ворислари” номли тўпламлари ва “Шовқин” романи инглиз ва француз тилларида чоп этилди. Париж, Америка ва Лондонда тақдимотлари бўлиб ўтди. Францияда “Забаржад”га сценарий ёзилиб, кино қилинган. Ш.Мунавваров француз тилига ўгирган. Асарлар экспертизадан ўтиб, пул ажратилган. ЮНЕСКО маданият бўлими режасига ўзбек адиблари асарларини ўғириш ва ўрганиш дастури киритилган. Францияда кино ҳам бўлган. Бу гаплар ўзбек адабиёти тарихида катта воқеа-ку! Нега юқорида номи зикр этилган ташкилот шу воқеага бағишлаб тадбирлар ўтказмайди?! Ёки бу адабий ҳодисаларнинг уюшмага мутлақо алоқаси йўқми?!

“Асосий машғулоти адабиёт” дея умрини адабиётга бағишлаган адиб ижоди Европа ва Уммон ортида катта резонанс бергани марказий матбуотларда адабий ҳодиса сифатида қайд қилинган. Бу ўзбек адабиёти тарихида фахрланса арзийдиган воқеа, адабий жасорат-ку! Адабиётимиз доврўғини жаҳонга тарқатиш ҳар бир ўзбек учун шараф эмасми?! Эркин Аъзам Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги ваколатхонаси таклифига биноан Парижга ижодий сафари чоғида “Паризод” филмининг тақдими бўлиб ўтган эди. Бу нафақат ўзбек адабиётшунослиги ёки киношунослигининг, балки орқа фронтда меҳнат қилаётган, бадий таржима йўналишида компетенцияси шаклланган, маҳоратли таржимонларнинг ҳам катта ютуғидир. Халқаро адабий алоқалар масаласига эътибор қувонарли эмас. Шоир ва таржимон Аъзам Обид 48 нафар шоирнинг ижод намуналарини инглиз тилига ўғириб, ўз ҳисобидан нашр қилдирган, қизиқувчиларга бепул тарқатган. Аммо, бирор-бир мутахассис шу китоб

тўғрисида матбуотда ўз фикрини билдирмади. Шеърларни ҳиндистонлик шоир Пряг Сайкиа инглизчадан ассам тили (Ассам тили – Ассам штати аҳолиси тилидир)га ўгирган. Китоб муқовасида мутаржимнинг суврати акс эттирилган. Бу факт Ҳиндистонда таржимонлар кадрланаётганини тасдиқламайдими? Негадир бизда ундай эмас. Таржимонлар кадрланмас, керакли одам сифатида қўрилмас экан, шу соҳага путур етиши турган гап.

Аъзам Обид халқаро адабий-маданий алоқалар доирасида катта ишларни амалга оширмоқда. У “Илонбалиқ” ва “Қуш тили” антологиялари тўпловчиси ва таржимони. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони насрий баёнининг инглиз тилига таржимаси [Алишер Навоий, 2018] ҳам Аъзам Обид қаламига мансуб. Таржима асар Туркияда чоп этилди. Нашрга грузиялик тадбиркорлар ҳомийлик қилган. Қаранг, ўзбек мумтоз адабиёти намунасини дунёга таниш учун гуржилар жон куйдирса, таржима учун ҳомийлик қилса. Бу гуржиларнинг вазифасими?! Аъзам Обид Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги ва Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб яратган “Қуш тили” антологиясини [Обидов Аъзам, 2011] ўзбек, инглиз, испан, немис, француз, поляк, рус, турк тилларида ўз ҳисобидан нашр қилдириб, бепул тарқатди. Кейинчалик каттароқ адабда, минг нусхада босмадан чиқартирди, жаҳоннинг қирқдан ортиқ мамлакатига почта орқали жўнатди. Ўзбекистонга келган шоир ва таржимонларга бериб юборди. Тошкентдаги Гёте институти Жаҳон таржимонлар кунига бағишланган “Таржимонларнинг Ёзги академияси” анжуманига таклиф қилинган Туркия, Кавказ ва Марказий Осиё халқлари адабиёти: лирика, проза, илмий-оммавий китоблар нашри билан шуғулланувчи Берлин “Dagyeli” нашриётининг директор ўринбосари, ёзувчи ва таржимон Марио Пшерога ва Берлин Хумбольдт университети профессори Ингеборг Балдауфхонимга ўзимнинг уч тиллик (немис-рус-ўзбек) қисқартмалар луғатимни [Абдуллаева Р., 2009], “Шиллер ва ўзбек адабиёти” [Абдуллаева Р., 2012] (аржима ва Шиллер ижодининг ўзбек адабиётига таъсири масалаларига бағишланган) деб номланган монографиямни ва ўша “Қуш тили” антологиясини совға қилдим. “Жаҳон адабиёти” журнали бу антологияни икки маротаба тарғиб этди. Бироқ олийгоҳларда немис, инглиз, француз, поляк, испан тиллариндан сабоқ берадиган мутахассислар матбуотда бу тўғрида фикр билдирмади... Кўп ишлар амалга оширилмоқда. Лекин мутасаддилар лоқайд. Лоқайдлик қандай оқибатларга олиб келишини барчамиз биламиз ва тушунамиз.

“Илонбалиқ”, “Қуш тили” антологияларининг муаллифи америкалик шоир Кристофер Меррил юртимизга икки маротаба келиб-кетди. Бирорта ёзувчи ёки шоир унга ўз асарини кўрсатганини эшитмадим. К.Меррил “Олмос сув” ва “Оловни кузатиш” шеърый тўпламлари учун Америка шоирлар академиясининг мукофотиغا сазовор бўлган, ижод намуналари дунёнинг йигирма бешдан ортиқ тилларига ўгирилган, Айова университети Халқаро Ёзувчилар дастурига раҳбарлик қилади. “Бадий ижод” халқаро дастури ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан ўттизга яқин ёзувчини ЮНЕСКО “Адабиёт шаҳри” деб атаган Айова университетида уч ойлик семинар-лекцияларга йиғади. Ушбу дастурда

Ўзбекистонлик ёзувчи ва шоирлар ҳам қатнашган. “Саломат Вафо Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Либерия каби турли мамлакатлардан келган шоирлар, сценарийнавислар, романнавислар ва хужжатли асарлар ёзувчилари билан бирга бўлди” деб ёзилади АҚШ Элчихонасининг “Дўстлик” [Америка Қўшма Штатлари Элчихонаси, 2010] газетасида. Газетада семинарда қатнашган ижодкорлар ҳақида ахборот бериб борилади. Бу дастурда шоира Гўзалбегим ҳам иштирок этган. Жаҳон миқёсидаги ушбу нуфузли дастур нигоҳимиздан четда қолмаслиги керак. Зеро, бундай анжуманларда дунё замонавий адабиёти нафаси акс этади.

Халқаро антологияларда турли хил антиқа услуб ва усулларга дуч келасиз. Зотан, миллий адабиётимизга мансуб новатор носир ва шоирлар Ғарбий Европа, Америка китъалари учун анъанавий ҳисобланади. Мутлақо ўзгачалик ўзбек ўқувчиларида иштиёқ қўзғаш табиий ҳол. Дейлик, К.Меррилнинг В.С. Мервинга бағишланган “Ғарб даричаси” шеърининг илк бўлагидаёқ ўқувчи эътиборини ўзига тортади:

*Тепаликни елпиб-елпиб остидаги ўтни яширган  
Пальма дарахтидай ям-яшил калтакесак сирғалиб  
Ёхуд аста тушар каттакон баргдан ёмғир томчисидай  
Папоротник остида кўздан йўқолган  
Гул устига. Оролнинг тақлидчилари –  
Майнаю тўтилари – қўлашни бошлайди  
кардинал қуш тузоқдан қочаркан манго ва ундан нарига.*

*Бамбук қисирлайди. Эшик очилар. Уйда ҳеч ким йўқ* [Кристофер Меррил, 2011; 117].

Ғарб деразасидан кўринаётган ушбу кинодек тасвирларда *ўхшатиш*, *эпитет* ва *ҳаракатлар* талошини илғаш қийин эмас. Калтакесакнинг гул устига тушиши, майна, тўти ва кардинал қушнинг қўлаши каби ҳолатлар қанча жойларни айланиб тасвирланади. Бундай сирли дебоcha анъанавий назмга кўниккан ўқувчига мавҳум туюлиши мумкин. Аммо сирлилигини сақлаб қолаверади.

Антология муаллифларидан яна бири шоир ва публицист, йирик жамоат арбоби Фернандо Рендон Колумбияда “Прометео” деб номланган адабий журналга асос солиб, муҳаррирлик қилган. Айни пайтда у Халқаро Шеърят Фестивалининг директори. Бу шеърят анжумани дунёдаги энг йирик ва нуфузли шеърят байрамларидан бири саналади [Фернандо Рендон, 2011; 103]. У “Санъат ва Прометеода шеърят” деган ташкилотни бошқармоқда. Бу ўлка жуда узоқдек туюлади. Аммо, “Прометео” журналида бир йўла ўн етти нафар шоиримизнинг шеърлари испан тилида чиққани ўзбек шеърляти узоқларни писанд этмаслигини исботламайдими?! Хулоса шуки, биргина ташаббуснинг ўзи адабиётимизнинг турли мамлакатларга етиб боришига сабаб бўларкан. Қолаверса, бадиий таржимадаги кашфиётлар туфайли миллий адабиёт бойиб бораверади.

Ўтган асрнинг 80-йилларда адабий жараён қайнаб турган қозонни

эслатарди. Айникса, 1985-1990-йиллари наср ҳам, назм ҳам гуркираб яшнаган палла эди. Бунинг сабаби нимада? Сабаби – сўз одамлари, сўз санъаткорлари тутқинликнинг ниҳоя топаётганини илғадилар. Ва озодликка интилаётган рух уларни бирлаштирди. Ўша даврларда уюшмада бирор-бир тадбир ўтказилса, бўш ўрин топиш амри маҳол эди. Аспирантлар, ижодкорлар тадбирдан бир соат, ярим соат аввалроқ келиб, залнинг орқа ўриндиқларини банд қилишарди.

Истиқлол йиллари миллий адабиётимизда авлодлар алмашинуви рўй берди. 90-йиллари адабий жараёни қайнатган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Раҳмон, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Ўктам Усмонов, Омон Мухтор, Салоҳиддин Мамажонов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Норбой Худойберганов, Шукур Холмирзаев каби йирик ижодкорлар таассуфки, бугун орамизда йўқ. Илоё охиратлари обод бўлсин! Борлари ҳам ёзув-чизувдан иштиёқи сўниб қолганга ўхшайди...

Осиё китъасида Ҳиндистон, Япония, Хитой ва Жанубий Корея мамлакатларида яшаётган, шу миллатга мансуб адиблар илғорлар қаторида туришади. Ўша адибларнинг аксарияти инглиз тилини билади. Жаҳоннинг қайси юртида адабиёт фестиваллари ўтказилишини эшитишса, дарҳол йўлга тушадилар. Биз эса сустмиз. Тилбилгичлар билан руҳбилгичлар орасидаги масофа йил сайин ортиб бормоқда, ораларида ижодий яқинлик сезилмаяпти. “Мен тағлама қилиб қўйдим, сен шуни бадийий асарга айлантурсанг-чи?” дейдиганлар топилмаяпти. Таассуфки, шу бугунгача органи “Вавилон” (“Бобил”) журнали бўлган Халқаро таржимонлар федерацияси – ФИТ (французча *Fédération Internationale des Traducteurs* сўзларининг қисқартмасидан олинган) Халқаро таржимонлар федерацияси)га аъзо эмаслигимизнинг ўзи бу соҳада суст ҳаракатланаётганимиздан далолат. Шунингдек, Ўзбекистон ФА Тил, адабиёт ва фольклор илмий тадқиқот институтида Адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлимининг йўқолиб бораётганига (“Адабий алоқалар ва таржима назарияси” сектори деб номланган бу бўлимга ф.ф.д., профессор таржимашунос, “Хоразм” романи муаллифи Жуманиёз Шарипов асос солган эди – *А. Р.*) ҳам диққат қаратмоқ даркор. 70-80-йиллари бу бўлимда чет тилларини биладиган мутахассислар, таржимон, илмий унвонга ва даражага эга бир қанча таржимашунос олимлар ишларди. Бўлим маҳоратли таржимон ва етук таржимашунослар, тилбилгич ва руҳбилгичлар билан тўлдирилмас экан, илмнинг бу йўналишида – бадий таржима жабҳасида мусбат натижаларга эришиш амри маҳол.

Ўзбек шоиру ёзувчилари, таржимонлари ҳинд, япон, хитой, корейслардан истеъдод, иқтидор борасида орқада эмаслар, лекин бирлашиш, жаҳон миқёсига интилиш борасида анча орқадалар. Муаммо – шунда. Муаммонинг ечими ҳар биримизнинг иштиёқимизга, ҳавасимизга келиб тақалади. Ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари фақат оғиздагина айланмасдан юракка кўчса, ушбу муаммолар ўз ечимини топармиди?

Кейинги йилларда европалик, америкалик, ноширлар, таржимонлар, олимлар диққатини ўзбек назми ва насри тортаётгани таниш-билишчилик,

улфатчилик натижаси эмас. Бу, айниқса, ҳаёт тарзи “немисча аниқлик” – “Deutsche Pünktlichkeit”га қурилган Германия, Австрия, Швейцария каби немисзабон ҳудудларда яққол кўзга ташланади. Мен немис тили мутахассиси бўлганим учун Ўзбекистондаги германистлар аҳволдан воқифман. Аксари тилбилгичлар истеъдоди юқори даражада, аммо бадий савияси мақтанарли эмас. Шундай мутаржимлар борки, матн руҳини тез ҳис қиладилар-у, хорижий тилни билмайдилар. Ана ўша икки қутб (тилбилгич ва руҳ билгич – А. Р.) яқинлашмоғи керак. Мен 70-йиллар немис модерн поэзиясининг Ханс Энциенсбергер, Урзула Крехел, Йорг Фаузер, Ханс Хайзе, Д.Лайзеганг каби ўн беш нафардан ортиқ пешқадам шоирларининг элликлдан зиёд ижод намуналарини ҳаммуаллифликда аслиятдан ўгирдим. Бундан ташқари, немис классик адабиёти вакиллари Гёте, Шиллер, Ҳайне шеърляти намуналаридан, Америка ва Франция ёзувчилари О.Генри, М.Твеннинг эссе ва илмий-оммабоп ҳикояларини, А.Курелланинг Навоий шахсияти ва ижодига бағишланган “Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши” номли илмий тадқиқотини ўгирганман. Лекин мен профессионал таржимонликка асло даъвогар эмасман. Мен адабий алоқалар бўйича мутахассисман, таржимашунос олимаман, кўнглим суйган, юрагимга жиз этган, менга маънавий эҳтиёж туғдирган асарларни, тадқиқотларни таржима қилавераман. Бу намуналар “Ёшлик”, “Ёш куч”, “Шарқ юлдузи” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинди. “Танишув-Kennenlernen” [Танишув-Kennenlernen, 2000] номида икки тилда тўплам бўлиб, Тошкентдаги Гёте институтининг илк раҳбари, доктор Элизабетта Лотарро сўзбошиси билан чоп этилди. Шу усул самарали эканини таъкидлашни истардим. Ҳаммуаллифим бундан маънавий фойда кўрди. Таржима жараёнидан ижодий таъсирланиб “Фаузерга назира”, “Энциенсбергер” сарлавҳали янги шеърларни ёзди. Бу асарлар “Соялар суҳбати” [Баҳром Рўзимуҳаммад, 2006; 11-15] шеърлар тўпламини беаба турибди.

Ҳамкорим модернист шоир Б.Рўзимуҳаммаднинг Германияда чиққан “Ich habe mein Selbst vergessen” – “Мен ўзимни унутдим” [Баҳром Рўзимуҳаммад, 2013] китоби ҳақида. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, афсона ва ривоятлар билан шуғулланаётган, “Ўзбек эртақлари” [Jakob Taube, 1990] тўпламини таржима қилиб, Германияда чоп эттирган, изланишлари диний эътиқодлар ҳақидаги тасаввурлар, анъанавий тиббиёт, тор доирадаги илмий ишлари “алвасти-ажина” мавзуи билан боғлиқ бўлган турколог Якоб Таубе Баҳром Рўзимуҳаммад шеърларини аслиятдан ўгириб, нашрга бермасдан ўн йиллар мобайнида кутиб юрган. Лайпцихга малака оширишга борган Баҳодир Жўрабоевни қўмакка чақириб, ўзига ҳамкор қилади. Петер Домбровский таржимага бадий сайқаллар киритади. Якоб Таубе ўзбек шоирининг „Сомеълик” деб номланган шеъри илк мисрасини китобга сарлавҳа сифатида танлайди. Китоб ноширларга маъқул келгач, ёруғлик юзини кўрган (бу ҳам ўзига хос таржима усули). Менимча, шунга ўхшаган тажрибалар юртимизда ҳам қўллангани маъқул.

Китобдан 19 та шеър ўрин олган. Шу шеърлардан тўрттасини Я.Таубегача лардан тўрттасини профессор И.Балдауф ўгирган эди (И.Балдауф ва Я.Таубе

таржималарини қиёсий аспектда таҳлил қилиш таржимашуносликдаги долзарб масала – А. Р.). Савол туғилади. Бу китобни нега немис ноширлари нашр қилишни лозим топдилар? Бизнингча, бунинг биринчи сабаби – шоирнинг Шарқу Ғарб шеърӣй усуллари синтез қилганлиги билан изоҳланади. Бу тўғрида шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким: “Бу муборак шеърӣятнинг иккита ўқ илдизи бўлиб, буларнинг бири Алишер Навоӣй, Мирзо Бедил сингари азизларимизнинг теран сарчашмаларидан озиқланса, иккинчиси умумоврўпа бадӣй тафаккурининг нафис ишораларига бой шеърӣятдан ибтидоланади. Ва энг муҳими, шоир Баҳром Рўзимуҳаммаднинг юрагида туташиб, мутлақо замонавий мевалар беради” [Матназар Абдулҳаким, 1994], деб ёзган эди.

Таржима жабҳасида эгоизм руҳи ҳукм сурмоқда. Ҳар ким ўз билганича иш юритади. Бир-биридан хабари йўқ. Тилбилгичлар немис туркологӣ доктор Якоб Таубега ўхшаб икки одамни ўзига шерик қилишдан орланадилар, шекилли. Агар шундай қилса, гўё доврўғи камайиб қолаётгандек. Оқибатда таржима жабҳаси аста-секин оқсашни бошлайди. Таржимашунослик соҳаси деярли йўқ бўлиб кетаётганини ҳисобга олсак, реал аҳвол янада ойдинлашади. Таржима жараёнини жонлантириш учун таржима гуруҳлари, таржима марказлари ташкил этиш зарур. Давлат миқёсида маълум йилларга мўлжалланган мавзуӣй ишчи дастурлар тузилиши шарт. Кўрсатилган муддат тугаши билан ҳисобот топшириб, яна маълум муддатга мавзуӣй ишчи дастур тузилиши лозим. Шундагина таржима жабҳасида силжишлар кўзга ташланиши мумкин.

Гёте институтининг таржимага бағишланган анжуманларида вақт беҳудага сарфланаётганига кўп бора гувоҳ бўламиз. Бир мажлисда айрим асар номларининг немис тилига таржимаси ҳақида гап борди. Ёш таржимон Ойбек Остонов Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” романини “Ер жаннат эмас – Kein Himmel auf Erden” деб ўгирган экан. Сарлавҳа таржимаси тўғрисида куннинг ярмигача уч-тўрт киши роса баҳслашди. Менинг ҳам айтадиган гапларим бор эди, афсус, вақт етмади. Бундай баҳсларнинг кимга кераги бор? Дейлик, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи 60-йиллари немис тилига “Die Liebenden von Taschkent – Тошкентлик ошиқлар” деб ўгирилган. “Синчалак” (А.Қаҳҳор) повестининг сарлавҳаси немисчада “Sekretär Saidā” [Abdulla Kachar, 1961] деб берилган, румин тилида “Saida” деб номланган. Аммо асар моҳияти ўзгариб қолмаган.

Ҳафиза Кўчқорова немис адибаси Женни Эрпенбекнинг “Die Heimsuchung” романини аслиятдан ўзбек тилига “Макон истаб” [Женни Эрпенбек, 2011] номи билан ўгириб, Гёте институти раҳномалигида чоп эттирди. Шу воқеага бағишлаб Гёте институтида ўтказилган тақдимотда муаллиф Женни Эрпенбекнинг ўзи ҳам иштирок этди. Немис-ўзбек адабий алоқалари, таржимачилигининг тараққиёти ва мустаҳкамланиши йўлида уюштирилган бу анжуманда мунозара мавзуси яна роман сарлавҳаси таржимасига келиб тақалди. Сарлавҳа таржимаси хато экани германистлар (Х.Раҳимов, Р.Султонов) томонидан қайта-қайта уқтирилди. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, асар номи “Вайрона” ёки “Хонахароб” деб ўгирилса, аслият руҳи ифодаланарди. Бир тўхтамга

келинавермагач, Ёзувчилар уюшмасининг Таржима кенгашида Ҳ.Рахимов “Макон истаб” таржимаси нотўғрилигини, “Die Heimsuchung” ва “Die Heimsuche” сўзлари орасидаги семантик фарқни, “Die Heimsuchung”нинг ўндан ортиқ таржима вариантлари мавжудлигини, унинг мазмунини изоҳлаб, қатнашчиларда ишонч ҳосил қилди. Лекин нукул асар номининг таржимасига ёпишиб олиш ҳолати анжуман миқёсини торайтириб қўйиши турган гап. Агар асарни бадиий обида (қаср) деб тасаввур қилсак, сарлавҳа унинг пешлавҳаси, асар ичига кириб борадиган эшигидир. Мана неча йилдирки, аксарият таржима асарларнинг қулф-калитини тополмай, эшик тагида депсиниб турибмиз. Савол туғилади. Эшикни очиб, ичига кириш учун нима қилмоқ керак?

Аввало, аслият ва унинг таржимасини ёнма-ён қўйиб ўқиш жоиз. Кейин ҳар икки матнни солиштириб, хулосага келиш мақсадга мувофиқ. Германистлар чалғидилар. Романнинг композицион қурилиши, ғоявий-бадиий тасвир, ўзбек адабиёти учун ноанъанавий усуллар, образлар силсиласи, лавҳаларга тарихнинг қамраб олиниши каби бадиий жиҳатларнинг таржимада қай даражада берилганлиги масаласи мавзу доирасидан суриб чиқарилди. Оригиналдан таржима қилиш жараёнида сўзма-сўз ўгириш майлига барҳам бериб, таржимага асар яхлитлиги нуқтаи назардан ёндашиш принципини илгари суриб, лингвостилистик ва лингвопоэтик таҳлилларга эътибор берилса, хатолар тўғирланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Таржимон бундан ранжиди, Ж.Эрпенбек ўзбек адабий доираси даражасидан қониқиш ҳосил қилмади. Тўғри-да, бу таржимоннинг ҳукуқи. Қолаверса, “Die Heimsuchung” романи поляк тилига “Кларанинг ўрмони”, америкалик таржимон эса инглиз тилига “Замонлар аро” деб таржима қилган. Бироқ, бу таржималарда жон бордек. Зеро, “Кларанинг ўрмони” сарлавҳаси, асар бадиий ғоясини очишга ёрдам беради. Асардаги бош қаҳрамон оқсоқолнинг тўртта қизи бўлиб, кичигининг исми Клара. Унга тегишли бўлган тоғ ёнбағридаги ўрмон ота мерос. Ўрмонни асар персонажлари “Кларанинг ўрмони” дейишади. Сюжет линияси, воқеалар, шу ўрмон атрофида айланади. Шу маънода, бу сарлавҳа билан ҳам келишиш мумкин.

Сарлавҳанинг инглизчага “Замонлар аро” деб ўгирилганига ҳам қўшилиш мумкин. Зеро, асарда тарихий воқеалар, немис халқига хос бўлган анъаналар 1650 йилдан бери давом этиб келаётгани ва Пруссия давлати давридан то Иккинчи жаҳон урушигача, уруш қолдирган асоратларни ҳам ўз ичига қамраб олгани, қаҳрамонларнинг ички руҳий ҳолати, дард ва ҳасратлари, армонлари – “давр драмаси” ҳаққоний акс эттирилган. “Замонлар аро”нинг мазмуни “Die Heimsuchung”ни ифодаламаса ҳам, таржимон ҳукуқидан келиб чиқиб айтсак, қайсидир маънода, бу ҳам тўғри. Умуман, германистлар, шоиру ёзувчилар савиялари орасидаги тафовут шундай анжуманларда билиниб қолмоқда. Муаммолар кўп. Уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқ керак. Майда-чуйдаларга ўралашиб қолиш иштиёқнинг сўнишига олиб келади.

Учрашув ва адабий давраларда кўп кузатамиз. Модернист шоир ёки модернист адиб дейилганда, баъзилар бунга беписандлик билан қарайдилар. Айрим олимлар орасида модернизм – Ғарб ҳодисаси, эскирган, истеъмолдан

чиққан адабий оқим, деган қараш бор. Улар наздида модернизм ўзбек адабиётига хос эмас, у аллақачон умрини яшаб бўлган. Баъзилар ўзбек ижодкорларининг аксарияти Ғарб модернистларига тақлид қилишади, деб очиқчасига гапирадилар ҳам. Масалан, ўз даврида рус шеърляти ва насрида шуҳрат топган Александр Блок (1880-1921), Борис Пастернак (1890-1960), Владимир Маяковский (1893-1930) сингари ёзувчи ва шоирлар шеър шаклини ўзгартириб, ноанъанавий усулда ёзиб, жаҳон шеърлятида катта ўзгариш ясаганлар. Дарвоқе, Гёте ҳам Шарқнинг буюк мутафаккир шоирлари ижодидан ижобий таъсирланиб “Ғарбу Шарқ девони”ни яратган эди-ку! Бу билан у Ғарбий Европага Шарқ руҳини олиб кирди. Ва умр поёнигача немисзабон ҳудудларда шарқона руҳда ижод қилган ёзувчи, шоирларга раҳномалик қилиб, уларни бошқарди. Бир пайтлари немислар Шарқ таъсирида ўзлари учун ноанъанавий ғазал жанрида ижод қилганлар. Маълум бир муддат Германияда немис ғазалнавислиги шаклланган. Девон тузиш Европада урф бўлган. Бу анъана немисзабон ҳудудларда ҳамон давом этмокда. Жумладан, австриялик Ханс Карл Артманн 1958 йили шарқона руҳдаги “*Persische Quatrainen*” – “Форсийона рубойлар” (девон ичида тўртликлар ҳам бор – *A. P.*) тўпламини яратган. У XX асрнинг иккинчи ярмидаги шарқона руҳда ёзилган лирик шеърларини жамлаб, девон чоп эттирган Австриядаги ягона немисзабон шоирдир. 2000-йиллар бошида Ханс Карл Артманн Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси раҳбарлари таклифига биноан Тошкентга келиб, шарқона руҳдаги тўртлик ва рубойларини ўзбек германистларига ўқиб берган эди. Хуллас, Ғарб – Шарққа маҳлиё.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Й.В. Гёте, А.С. Пушкин, Ҳ.Ҳайне, М.Ю. Лермонтов каби шоирлар ижодидан қилинган таржималар Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби ўзгача усулда шеър ёзадиган сўз усталари ижодига таъсир этган. Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб, Огаҳий каби мумтоз шоирлар назмидан сармаст бўлган ўзбек китобхонлари ўзгача шаклларга дуч келгач, тилнинг ноаён қирраларини кашф этишга киришадилар. Ўша йиллари белгиялик символист шоир Эмил Верхарн шеърлятига. Чўлпон, Ойбек жуда қизиққан. Чўлпон бир мақоласида Э.Верхарнни мактаса, шогирди Ойбек унинг шеърини маҳорат ила ўзбекчага ўгирган. Ана ўша нуқталарда янги ўзбек шеърляти бошланди, десак янглишмаган бўламиз. Бунга боис бадиий таржима. Бадиий таржима – халқлар адабиёти орасига қурилган кўприқдир.

Дарвоқе, ҳар бир ижодкор ижодда, услубда эркин, бу борада уни чегаралайдиган қолиплар ҳеч вақт талаб қилинмаган. Улар ижодидида фақат ўзигагина хос қонуниятлар мавжуд бўлади. Шу боис, уларнинг ўзлари яратган қонуниятлари ҳақида фикр юритиш жоиз. Европа адабиёти ва санъатида символизм, натурализм, акмеизм, футуризм, имажинизм, модернизм, абстракционизм, экспрессионизм, сюрреализм, импрессионизм, авангард каби турли адабий оқимлар мавжуд. Улар асрлар оша яшаб келмокда. Ўша адабий оқимларга мансуб намояндалар бир-бирларига ҳурмат кўзи ила қарашади. Уларда беписандлик, беҳурматлик ҳолатлари сезилмайди. Адабиётимизда пайдо бўлган янги шакл, услуб, оқим ва йўналишлар адабиёт тараққиётидан дарак эмасми?!

Назаримизда, модернистлар мумтоз ва анъанавий шоирлар орасида туриб фикрлаётгандек туюлади. Табиийки, уларни янгиликпараст адабиётшунослар ёқтиришади... Бадиий асар қайси адабий оқимга дахлдорлигидан қатъи назар, ижодкорга мунаққид эътибори лозим. Адабий жараёндаги эътиборсизликлардан кўнгли ўксик бир модернист шоирнинг: “Ҳеч бўлмаган-да, асарларимни танқид ҳам қилишмайди-я”, деганини эшитиш нақадар ачинарли.

## ХУЛОСА

Ҳозир адабий алоқа, таржима ва таъсирланиш масалалари ҳақида жиддий фикр мулоҳазалар ҳам бор. Бу соҳада холислик кайфияти ҳукм суришини истаймиз. Соф санъат мезонига мос бадиий асарлар Ғарб тилларига, хусусан, немис тилига ўтирилса, адабиётимиз биринчи галда Ғарбий Европа миқёсига чиқиши турган гап. Айни даврда немисзабон халқлар Навоий, Чўлпон ва уларнинг издошлари шеъриятига қизиқмоқдалар. Қувонарлиси, немисларнинг баъзилари ўзбек тилини ўрганишмоқда.

Имкондан фойдаланиб, бу соҳада тиним билмай замонавий ва мумтоз назм ва наср жанрида ўнлаб асарларни бевосита иккиёқлама таржима қилиб, миллий адабиётларни бойитаётган, ижоди ҳар жиҳатдан ўрганишга лойиқ, бадиий таржима соҳасида компетенцияси шаклланган, Германия ва Ўзбекистонда профессионал мутаржим сифатида танилган ва тан олинган, халқаро совринларни қўлга киритган “икки олам юки”ни (М.Исмоилий) елкасида кўтариб юрган камтарин инсон Мирзали Акбаров номини алоҳида таъкидлаш ўринли. Унинг таржимонлик фаолияти ва бадиий маҳорати қирраларини кузатиш масалалари таржимашунослик илмида ҳали очилмаган кўриқ. Унинг бир қанча диссертация, монография ва илмий тадқиқотларга мавзу бўла оладиган ижод тажрибалари, ўз “сирлари ва ҳақиқатлари” бор. Шу ҳақда қиёсий аспектда илмий тадқиқотлар олиб бориш керак.

Хусусан, “Ўзбек модерн шеърияти” баёзининг Германия ва Америкада ўрганилаётгани, “Илонбалиқ”, “Қуш тили” китоблари Ғарбу Шарқ мамлакатларга тарқатилгани, муаллифнинг Европа, Америкада, Швеция ва Колумбияда ўтказилган нуфузли анжуманларда қатнашиб, адабиётимизни тарғиб этаётгани бизда умид учқунини уйғотади. Кўп тилларда чоп этилган, бу китоблар Европа ва Уммон орти сари очилган эшиқдир. Мухтасар қилиб айтсак, Марказий Осиёда етакчи ўринда турган ўзбек шеърияти жаҳон миқёсига чиқиши муқаррар. Таниқли мунаққид Аҳмад Отабой бир мақоласида: “Бу турдаги асарларни (модерн асарларни – *A.P.*) элита, яъни энг яхши намояндалар ўқийди”, деган эди.

Хуллас, бадиий адабиёт сўз жавоҳирларига тўла чексиз чегарасиз, тубсиз бир уммон. Унга шўнғиган ғаввос маънавий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига керак дурларни олиб чиқаверади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdulla, K. (1961). *Sekretär Saida*. Berlin: Kultur und Fortschritt.
2. Abdullayeva, R. (2009). *Qisqartmalarning nemischa - ruscha - o'zbekcha lug'ati* (200 b.). Toshkent: "Fan" nashriyoti.
3. Abdullayeva, R. (2012). *Shiller va o'zbek adabiyoti*. Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti.
4. Alisher, Navoiy. (2018). *Farhod va Shirin* (A.Obid tarjimasi). Turkiya: Mega Basim.
5. Bahrom, Ro'zimuhammad. (2011). *Chilla chiqqan kun* (Esse) (Shoir Abdulla Oripov bilan bo'lgan suhbatdan).
6. Bahrom, Ro'zimuhammad. (2006). *Soyalar suhbatlari* (11-, 15-b.). Toshkent: "Zarqalam" nashriyoti.
7. Bahrom, Ro'zimuhammad. (2013). *Ich habe mein Selbst vergessen*. Leipziger Literaturverlag.
8. "Do'stlik" gazetasi. (Mart, 2010). Amerika Qo'shma Shtatlari elchixonasi nashri.
9. Fernando, R. (2011). *Qush tili* (103-b.). Toshkent.
10. Jakob, T. (1990). *Der Halbe Kicherling. Usbekische Märchen*. Reclam-Verlag Leipzig.
11. Jenni, E. (2011). *Makon istab* (176 b.). Toshkent: "Nihol" nashriyoti.
12. Kristofer, M. (2011). *Qush tili* (116-119-b.). Toshkent.
13. Matnazar, Abdulhakim. (1994). *Ikki nur*. Urganch.
14. Obidov, A. (2011). *The Language of the birds* (256 p.). Tashkent: Mentality.
15. *Tanishuv-Kennenlernen*. (2000). (88 b.). Toshkent: O'qituvchi nashriyoti. Toshkent.

## REFERENCES

1. Abdulla, K. (1961). *Sekretär Saida*. Berlin: Kultur und Fortschritt.
2. Abdullaeva, R. (2009). *German-Russian-Uzbek dictionary of abbreviations* (200 p.). Tashkent: Fan Publishing House.
3. Abdullaeva R. (2012). *Schiller and Uzbek literature*. Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi.
4. Alisher, Navoi. (2018). *Farhod and Shirin* (Translated by A.Obid). Turkey: Mega Basim.
5. Bahrom, Ruzimuhammad. (2011). *Chilla Day* (Sketch) (from an interview with the poet Abdulla Aripov).
6. Bahrom, Ruzimuhammad. (2006). *Conversation of the shadows* (pp. 11, 15). Tashkent: Zarkalam Publishing House.
7. Bahrom, Ruzimuhammad. (2013). *I have forgotten myself*. Leipzig Literary Publisher.
8. *Dating-Kennenlernen*. (2000). (88 p.). Tashkent: Publishing House of 'Teacher'.
9. *Dustlik* newspaper. (March, 2010). United States Embassy Edition.
10. Fernando, R. (2011). *Bird language* (p. 103). Tashkent.
11. Jacob, T. (1990). *Half chuckles. Uzbek fairy tales*. Advertising Publishing House Leipzig.
12. Jenny, E. (2011). *Wanting a place* (176 p.). Tashkent: Nihol Publishing House.
13. Christopher, M. (2011). *Bird language* (pp. 116-119). Tashkent.
14. Matnazar, Abdulhakim. (1994). *Two lights*. Urgench.
15. Obidov, A. (2011). *The Language of the birds* (256 p.). Tashkent: Mentality.